

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҲМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 47(65874)
1995 йил, 12 декабрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

ҚЎЛИНГ ГУЛ ЭКАН-КУ,

Мунираларниқига Тожикистондан меҳмонлар келишди. Улар орасида қизгинанинг тенгдоши Ниссо ҳам бор эди. Мунирага дугонанинг эгнидаги зар тикилган камзул жуда ҳам ёқди.

— Мана буларни ким тикди? — ҳавас билан суради зар гулларни силаркан Мунира.

— Узим, — фахр билан жавоб берди қизча, хоҳласанг сенга ҳам ургатиб қуйишим мумкин, бу жуда осон.

Ниссо тўғри айтган экан. Урганиш учун унчалик куп вақт ҳам кетмади. Фақатгина ярим метрча сидирга мато, қалинроқ оқ қоғоз, қайчи, игна, бир неча қатим ип керак булди, ҳолос. Ниссо матонинг икки четини ёғочга маҳкамлаб, оқ қоғозга қалам билан геометрик шакллар чизди ва уларни қирқиб чиқди. Ҳосил булган шаклни матога чаতিб, сунг тайёр зар ипни олти қават қилиб қайта-қайта уради. Энди тикиш қолганди. Кичкина зардуз бу ёғини ҳам тезда қойил қилди.

Муниранинг Ниссондан урганган хунарини дастлабки фойдаси шу булдики, уни лицейнинг тикувчи зар босувчи ихтисослиги бўйича ўқишга қабул қилишди. «Раҳмат, Нис-

со, раҳмат тожик дугонам, қўлинг гул экан» дея пичирлади у шодланиб.

МУҲАММАД, НУРБЕК ВА БОШҚАЛАР

Ёғоч уймакорлиги хунари ўқитувчиси ва устаси Фахриддин ака навбатдаги дарсга янглик билан келди. «Тошкентда, халқ амалий санъати курағамаси булар экан». Устоз бу

дейишганда хонага бош уста Баҳодир ака Ҳамидов кириб келди.

— Ҳамма ишни бузиб, қайта бошлашга тўғри келади, — деди устоз кутилмаганда. Болалар: «Ҳазиллашяптиларми?» дегандек бир-бирларига қарашди. Йўқ, уста жиддий гапирётган эди. Лекин болалар Баҳодир аканинг беҳудага гап қилмаслигини билганларидан ишни қайта бошлади.

Еш усталар жуда узоқ меҳнат қилишди. Кургазма учун

ШАҲРИХОННИНГ «МЕРОС»И

билан «Қани, сизлар ҳам қатнашасизларми, мабодо голиб чиқиш умидида булсанглар, бугуноқ ишга киришинглар» деган маъно бор эди.

Тўрт оға ини — Муҳаммад, Нурбек, Ҳусниддин, Шухратлар аввал пухта режа тузишди, сунг ишга киришишди. Аввалига лавҳ (китоб куйгич), зеб-зийнат қутиси, миллий курси ясашди.

Ниҳоят, улар ишларига сунги нуқтани қуйиб «Тайёрмиз»

эллиқдан зиёд нусха тайёрланди. Ниҳоят ҳакамлар ҳайъати аъзолари Б. Ҳамидов, Ф. Мақсудов, Ш. Умурзоқов, У. Ҳолиқовлардан иборат устозлар йигирмата ишни танлаб олишди.

Шунинг учун ҳам бу буюмлар Тошкентда — БМТ ҳомийлигида утказилган халқ амалий санъати кургазмасида муваффақиятли иштирок этди.

ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

«Мерос» деб номланган иқтидорли болалар халқ амалий


санъати лицейи бундан тўрт йил муқаддам Шаҳрихон туманида ташкил этилган эди. Ҳозир бу ерда 160 нафар угил-қиз тикувчи зар босувчилик, наққошлик, ёғоч уймакорлиги, миниатюра мусаввирлиги санъати сирларини ёгуллашяпти. Ўқувчи хунардогоҳига 8-синфдан тест синовлари асосида қабул қилиниб, тулиқ урта мактаб дарсларини ҳам ўқийдилар.

«Хунарли хор булмас» деганларидек, бу ерда таълим олаётган болаларга тез-тез буюртмалар ҳам чиқиб туради. Ҳокимият, Халқ Демократик Партияси, шаҳар Халқ таълими бўлими, маҳалла қўмиталари ва бошқа ташкилотлар бинолари учун болалар «Ўзбекистон тамгаси» тасвирини қойилмақом қилиб ишлаб беришди. Келгусида уларнинг мактабда тугараклар очиш ниятлари ҳам бор.

— Аҳоли зич жойлашган жойлардан бири булган шаҳримизда хунардаскани очиб берганларга ташаккур билдирамиз, — дейди ота-оналар номидан Обидахон Абдуллаева. — Фарзандларимиз ҳозирданок урганган билимларини самарасини курсатишмоқда.

Биз ҳам хунардаскани ишларига ривож тилаймиз.

Турсуной СОЛИЕВА



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев учрашуви бўлиб утди.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида қушиқлар курик-танловини утказиш тўғрисида» қарори эълон қилинди.

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Конституциямиз қабул қилинган куннинг уч йиллигига бағишланган кеча бўлиб утди.

Истиқлолимизнинг тўрт йиллиги байрамида ватаниннг юксак мукофотларига лойиқ топилган одамларга «Олтин юлдуз», «Дустлик», «Меҳнат Шухрати», «Шон-шараф» орденлари, «Жасорат» ва «Шухрат» медаллари топширилди.

Бугун жаҳонда утказилгани каби юртимизда ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган футбол мусобақалари бўлиб утди.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 214-мактаб ўқувчилари ободонлаштириш ойлиги утаётган кунларда Истиқлол маҳалласи ҳудудига 100 туп терак ва 100 туп мевали ниҳол ўтқаздилар.

ИПОЖИ ТОПИЛДИ

Дилбар опа ишдан қайтса, дарвоза олдида угли Санжар мунгайиб турарди.

— Ҳа, нима қилиб турибсан? — суради опа шоша-пиша.

— Дарсимиз вақтли тугади. Уйга қайтсам ҳеч ким йўқ.

Санжар бироз совқотган, оёқларини дамбадам бир-бирига уриб қуярди. У бошқа болаларга нисбатан жуссаси бироз кичикроқ. Шу сабабми, тез чарчаб қоларди. Уйга кирган заҳоти Дилбар опа унга «Бироз дам ол», деб тушакка этқизди ва унга термулиб уйлаб кетди...

Биринчи синф ўқувчилари учун дарс соатла-



ри кам. Санжар уйга қайтганда оиладагиларнинг ҳаммаси ишда, ўқишда булишди. Бола уйга киролмай қийналади. Бу муаммони қандай ҳал қилишни билмай Дилбар опанинг боши қотди. Эртасига углининг ўқитувчиси билан шу муаммо хусусида сузлашди.

— Бунинг энг осон йули қуни узайтирилган гуруҳга углингизни ёздиринг, — деди ўқитувчи. — Бугунги кунда мактабимиздаги қуни узайтирилган гуруҳларда жуда куп ўқувчилар шугулланишди. Ишда ҳам кунгизингиз тўқ юрасиз. Чунки, Санжар бу вақт ичида синфда утилган темаларни такрорлайди, бундан ташқари кунгизига маъқул булган бирон фойдали иш билан шугулланади. Мана, узингиз гувоҳ булинг.

Дилбар опа ўқитувчи билан бирга 3-синфларнинг қуни узайтирилган гуруҳлар машғулот олиб боришяётган хонага киришди. Бу ерда болалар китоб ўқишар, утилганларни такрорлашарди. Дилбар опанинг кунгли тинчиди. Угли эртадан бошлаб бу гуруҳларга аъзо булди.

Ҳақиқатан ҳам, Тошкентдаги 299-мактабда барча фанлар аъло даражада олиб борилиши билан биргалиқда қуни узайтирилган гуруҳларнинг иши ҳам яхши йулга қуйилган. Бу ерда айниқса, қуни синф ўқувчиларининг дарслардан сунги вақтлари бекор утмаслиги учун барча имкониятлардан фойдаланилади. Болалар бу соатларда утилганларни такрорлаш билан бирга расм чизишди, бадий китоблар ўқишди, дам олтиш соатлари утказишди. Бу эса уларнинг буш вақтларини мазмунли утишга ҳам кумак булмоқда.



СУРАТЛАРДА: 299-мактабнинг қуни узайтирилган гуруҳларида машғулот пайти; 4-синфда меҳнат дарси.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

Яқинда пойтахтимизда «Йил мактаби—95» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан иккитадан, қолган ҳудудлардан биттадан, жами 16 та мактаб директорлари ўз ишлари билан иштирок этди. Ҳар бир билим даргоҳи директорлари уч кун давомида ўз мактаблари, уларда олиб борилаётган ўқув-тарбия ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари бу ердаги барча мактаблар орасидан яхшиларнинг энг яхшисини танлаб олдилар.

Биринчи ўрин Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманидаги Райимжон Муҳамедов номидаги 21-ўрта мактабга, иккинчи ўрин Тошкент вилояти, Юнусобод ту-

тўққиз йилдан буён бирга ўқияпман, қандай қилиб янги синфдошларга кўникаман, — деди Зебо дўгоналарини кучиб.

— Бошқа мактабга кетаётганинг йўқ-ку, бунча қайғурмасанг, шундоқ ёнимиздаги синфдасан, бема-

ЯХШИЛАРНИНГ ЯХШИСИ ЎЗИ

лол ўтавер, — меҳрибонлик қилишди синфдошлари.

Орадан бир неча кун ўтгач, мактабнинг ўнинчи синфи яна икки нафар алоҳида иқтидорли ўқувчига кўпайди. Кейинги кунлари бўлса биринчи синфнинг аълога ўзлаштирган кич-

«Йил мактаби—95» кўрик-танлови якунланди

ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

СЕНГА ЎЗИМ АЛЛА АЙТГАНМАН

— Бувижон, бир ҳафта-

да эса совринли иккинчи ўринни эгаллашди. Улар учун Ўзбекистон телевидениесининг «Тенгдошлар» кўрсатуви махсус сон ажратди.

ҳамма баробар ҳаракатга тушиб қолди. Ахир, қаҳрамоннинг номига муносиб бўла олиш ҳам керак-да.

Ҳозир ўқув даргоҳи 834 ўринли бўлиб, уч қаватли замонавий бинога эга. Учта устахона, иккита спорт зали, 216 ўринли ошхона, спорт ва ҳарбий майдон, фаоллар зали бор. Ўқиш бир маҳал, яъни алмаштирувсиз олиб борилади. Мактаб беш йилдирки, таъмирлашсиз, сифатли сақлаб келинмоқда, 56 нафар устоз болаларга таълим-тарбия бермоқда. 1970 йилда ташкил этилган «Дилрабо» ансамблига 1987 йилда халқ дастаси унвони берилга. Билим даргоҳининг «Тазквон-до» командаси қизларидан 5 нафа-



манидаги 273-ўрта мактабга, учинчи ўрин Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳридаги 1-ўрта мактабга берилди. Куйида голиб мактаб ишларидан баъзи лавҳаларни келтирамиз.

СИНФДОШЛАРИДАН БИР ЁШ КИЧИКЛАР

Ўтган ўқув йилининг ўрталари эди.

— Гайрат, Зебо, сизлар ўнинчи синфга «сакраш» йўли билан ўтказиласизлар.

Бу хабар икки синфдошни, айниқса Зебони унчалик қувонтирмади.

— Ахир сизлар билан

кинтойлардан катта катта гуруҳи иккинчи синфга «сакраб» ўтишди. Энди улар синфдошларидан бир ёшга кичик эдилар.

Дарвоқе, юқоридаги усул мактабда беш йилдан буён қўллаб келинмоқда. Дастлабки вақт ўқув йили ўртасида синфдан синфга кўчирилган беш нафар ўқувчининг тўрттаси «олтин медаль» билан, биттаси эса «мақтов ёрлиги» билан битириб, олий

дан сўнг туманимизда «Алла» деб номланган беллашув бўлар экан. Менга бирор яхшисидан ургатинг?

— Болам, бизнинг замонларда бешикдаги гўдакка меҳр билан бирга аллага ўзларининг орзу-армонларини ҳам қўшиб айтишарди. Ҳатто уни эшитган каттароқ одамларнинг кўзларида ёш пайдо бўларди. Ҳозир бўлса юртимиз тинч, истиқлолга эришган ўз юртимизда кун кечираяпмиз, шукур. Кел, иккимиз янги бир алла айтамыз.

*Мен сени алла қилай,
Кўтариб катта қилай.
Мустақил юрт фарзандисан,
Толеингдан ўргулай...*

Хадича буви билан унинг набираси Санобар янги аллани дунёга келтириш учун ёзишди, ўчиришди, яна ёзишди...

Хуллас, Санобар ва унинг мактабдошлари туманда ўтказилган «Алла» беллашувида голиб чиқибди, вилоят мусобақалари-



АДИБ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТГАН РАИС

Айтишларича, ўзбек халқининг машҳур, севимли ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ўзининг «Шоҳи сўзана», «Синчалак» асарларини яратишда «Қизил деҳқон» жамоа ҳужалигининг раиси Райимжон Муҳамедовнинг тимсолидан фойдаланган экан. 21-ўрта мактабга Р.Муҳамедов номи берилибди. Шундан кейин

ри вилоят терма командасига қабул қилинган.

Хуллас, ватанпарвар раис номидаги мактаб ўқувчилари ва уларнинг устозлари амалга ошираётган ишлар ҳақида яна узоқ вақт ҳикоя қилиш мумкин. Ҳозирча шу ерда тўхтай қоламиз.

Т.ҲАМИД қизи

Суратларда: 1. Голиб мактаб директори Баҳодир ака Розиковни ўқувчилар кутлашмоқда.

2. «Дилрабо» халқ дастаси қизлари.

3. «Меҳнат таълими» хонасида.

Суратлар Р.Альбековники.



Қадрли болалар!

Мана, обуна мавсуми тугалланишига ҳам санокли кунлар қолди. Қалай, ўз газетангиз «Тонг юлдузи»га обуна бўлишга улгурдингизми?

Мабодо ёдингиздан кўтарилган бўлса, яна эслатамиз.

Обуна баҳоси: бир йилга 208 сўм, 80 тийин, олти ойга 104 сўм, 40 тийин.

Ташкилотлар учун: бир йилга 312 сўм, олти ойга 156 сўм.

Индексимиз:

Якка обуначилар учун: 64563 ташкилотлар учун: 64579.



Фирузахон илк бор мактабга қадам қуйганида ҳали етти ёшга ҳам тулмаган эди. Шунга қарамай 7 ёшли синфдошлари орасида ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб, кузатиш ва меҳнат малакаларини тез ва мукамал эгаллашга эришди. Қизчадаги уткир зеҳн ва қобилиятни пайқаган устози Меҳринисо опа Сайфуллаева у билан алоҳида шугуллана бошлади. Синфдошлари «Алифбе»даги ҳарфларни энди-энди таний бошлаганларида, Фирузахон кичик-кичик матнларни бемалол ўқий оларди. Зеҳнли қизалоқ бир йилда икки йиллик ўқув дастурини ўзлаштириб олди.

ишончини оқлаб, Гиждувон туманидаги 3-урта мактабнинг 4-синфида аъло баҳоларга ўқиб келяпти. Бу мактабда Фирузахон сингари изланувчан, интилувчан ўқувчилар талайгина. Фирузанинг иқтидори ўқиш-урғанишда намоён бўлган бўлса, синфдоши Муҳаббатхон Сатторова мусаввирлик бобида анча илғор. Унинг чизган суратлари «Гунча» журналида эълон қилинган «Кимнинг расми чиройли?» курик-танловида муваффақият қозониб, муҳарририят томонидан мукофотланиши барчамизни қувонтирди. Шу синф ўқувчиси Нар-

фирузахоннинг иқтидори, истеъдоди оғизга кучди. Мактаб маъмурияти қизчани махсус куриқдан утказиб, 2-синфдан 4-синфга утказишга қарор қилишди. Ҳозирги кунда Фирузахон устозлар и

гизахон Сафарованинг жажжи шеърлари республика радиоси орқали бериладиган «Келажак тонги» эшиттиришида тез-тез жаранглаб туради.

Бундай иқтидорли ўқувчиларнинг истеъдод ва иқтидорларини тўғри йўналтира бориб, яхши натижаларга эришишларида албатта уларнинг устозлари, бошланғич таълим ўқитувчиларининг ҳиссаси каттадир. Уларнинг эзгу-ниятлари ҳам шу — ҳар бир болада мавжуд бўлган қизиқиш ва қобилиятни ўз вақтида пайқаб, ижобий томонга йўналтира билиш, уларига бўлган ишонч-ни ёшлиқдан оқ шакллантира олиш, фаолликларини ошириш. Шунингдек, болаларни толиқтириб, зериктириб қўймайдиган усулларни излаб топиш. Бу ишларда кекса, тажрибали мураббий Роҳат опа Ҳамроева бош-қошлар. Биз ҳам Роҳат опа ҳамда уларнинг издошларига эзгу ишларида ривож тилаб қоламиз.

Ҳикоят ЖУМАЕВА,
Бухоро вилояти,
Гиждувон туманидаги
3-мактаб
ўқитувчиси.

ФАРОҒАТ АМЕРИКАГА БОРАРМИЧИ

«Америка Қушма Штатларида ўқишни давом эттириш учун курик-танлов эълон қилинади». Фароғат бу хабарни эшитганда танлов голибларининг бири бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Шундаям «билимимни синаб оларман» деган ниятда эди. Натижа бошқача бўлди. Мана энди Шарғундаги 1-иқтидорли болалар лицейи толибаси Фароғат Хурсанова ўқишни Америкада давом эттириш учун жунаб кетиш арафасида. («Тонг юлдузи», 1995 йил, 25 июнь).

Ушбу сатрларни битганимга орадан олти ойга яқин вақт ўтган, мен қаҳрамонимни аллақачон сеҳрли диёр — Америкада таҳсил олаётганига ишончим комил эди. Бироқ, яқинда Шарғунда бўлганимда биров: «Фароғатни олис юртга ўқишга уйидагилар юборишмади» деса, бошқаси «Ватанимдан айрилиқда яшашга чидолмайман» деб бормади», деди.

Менга, айниқса кейинги гаплар бошқача таъвир қилди. Кунглимни аллақандай гурур, фахрланишга ухшаш туйғу қамради. Ахир Америкада жойда ўқишни, уни ҳатто бир бориб куришни орзу қиладиганлар қанча?

— Тўғри, авваллари океан орти мамлакатда бўлишга иштиёқманд эдим, — дейди Фароғат. — Лекин у ерга боришим аниқ бўлгандан кейин негандир кунглим гаш бўла бошлади. Назаримда оиламдаги меҳрибон кишилар, устозларим, дўстларим, кадрдон шахрим, Ўзбекистон — она юртимдан бир умр ажраб қоладигандай туюлиб кетди. Гапнинг лундаси — айрилиққа чидай олмаслигимни ҳис қилдим.

Лицей директори Бобораҳим Мирзаев Фароғатнинг сузларига куйидагиларни қўшимча қилди.


— Ўтган олти ой вақт ичида билим даргоҳимизда анчагина ўзгаришлар юз берди. Айниқса лицей ишларини самарали амалга оширишда ўз ёрдамларини аямаётган саховатпеша ҳомийларимиз ҳақида озгина айтиб ўтишни истардим. Булар: Денов ижара босмаҳонаси (директори М. Жураев)

ўқувчилар учун зарур дастурларни, ўқув қўлланмаларини чоп этишга ёрдам берапти. Шарғун кумир кони (директори Х. Хурсанов), ўтган вақтда бир неча ўн минг сўмлик моддий ёрдам курсатди, Сариосиё туманидаги 23-ғишт заводи ва Узун урмон ҳўжалиги ходимлари болалардан беминнат ёрдамларини аямаптилар. Бу йил Тожикистон тадбиркорлари ва Хизмат институти ректори Ҳабибулла Умаров билан келишиб, лицей қошида институт филиалини очдик. Ҳозирда филиалнинг «Иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш», «Молия ва қарз» булимларида мустақил Ўзбекистони-мизнинг 434 нафар фарзанди билим олмоқда.

— Бизнинг асосий мақсадимиз фақат Америкага бориш эмас, у ерга бориш ҳуқуқини қўлга киритиш, — сузига яқун ясади Фароғат. — Бундай тенгдошларим эса йилдан йилга купайиб бормоқда.

Биз эса Америкага борадиган болаларни тарбиялай олган, ўқишни, дунёвий илмларни эгаллашга ҳисса қўшаётган Шарғун лицейи, бу масканнинг ажойиб тарбиячилари, уларнинг ҳомийлари омон бўлсин, деймиз.

Сайридин ХОЛОВ.



Суратда: Фароғат Хурсанова машғулот пайтида.

Раҳмат, мурувватли катталар!

Фарзанд учун онанинг азоб чекаётганини куришдан ҳам ортиқ азоб йўқ экан. Мен бу сузларни нега айтяпман? Келинг, бошдан ҳикоя қила қолай.

Онажоним Обидахон Абдуллаева (38 ёш, II гуруҳ ногирони) болалигида йул ҳалокати туфайли орттирган жароҳати сабаб, бутунлай ётиб қолдилар. Акам иккаламиз отам вафотидан сўнг онажонимга жуда суяниб қолган эдик. Қурқиб кетдик. Иложи борича уларга ёрдам беришга, кунгилларини кутаришга ҳаракат қилардик. Орадан кунлар ўтди. Онам

БУ
СУЗЛАРНИ
НЕГА
АЙТЯП
МАН?



бироз тузалгач, уйда убу ишлар билан куймаланиб, одамлардан турли ширинликлар пишириб бериш учун буюртмалар қабул қила бошладилар. Мен уларга: «Ўзингиз ҳассада юрган бўлсангиз, қуйинг, чарчаб қоласиз, биз ишлаймиз», дедим. улар бўлса: «Харна, сизларга ёрдам, ўзим ҳам овунаман» деб кунмадилар.

Лекин, кунларнинг бирида бутун вужудларини оғриқ эгаллаб, қаттиқ азоб торта бошладилар. Берган дори-дармонимиз ҳам фойда қилмади, айниқса уларни бош оғриғи қаттиқ безовта қиларди. У ёқ бу ёққа югуришлардан сўнг қариндошларимиз шифохонага олиб боришга аҳд қилишди.

Шу тобда мени бир нарса уйлантирарди. Ахир дори-дармон, шифокор ёрдами, ҳаммаси пулли бўлса, бизда ортиқча маблағ йўқ, нима қилар эканмиз, дея ҳавотирда эдим. Аммо, мен бекорга ташвиш чеккан эканман, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани Марказий шифохонаси асаб касалликлари булимга олиб келинган онам биринчи муолажани (игна билан даволаш) олиши биланоқ узларини енгил ҳис қила бошладилар.

— Сен қизим, бу ерда утиравермай, ўқишингга бор, онангдан хотиржам бўл, тезда соғайиб кетади, — деди невропатолог шифокор Иброҳимжон ака Тураев.

«Онанинг тезда соғайиб кетади!».

Бу сузлар нақадар қимматли, кадрли эканини фақат онасини жондан ортиқ севганларгина тушунади. Мен одамларга мурувват, шафқат курсатиб, соғлиқ ато этиб, эвазига ҳам яна фақат ширин суз ҳадя этиб, ортиқ ҳеч нарса таъма қилмаган шифокор олдидаги қарзимни нима билан узар эканман?

Дилором АБДУЛЛАЕВА,
Шаҳрихон туманидаги «Мерос»
иқтидорли болалар халқ амалий
санъати лицейи толибаси.

Чико — Добилнинг ўғли

Давоми. Боши утган сонда.

Онам, Бахтжон билан мушг-лашма, дейди. Ҳам қушни, ҳам қариндош болаларнинг урушгани яхши эмас.

— Қайси томондан бизга қариндош булади, у — немис-ку, — дейман, — Совет билан урушаётганлар немис эмасми? Отамни ҳам улдирган немис эмасми?

— Куй, ундай дема. Сенинг отангни улдирган немис эмас, фашист, фашист дегани бошқа. Ишонмасанг, учитилдан сура. У кунги мажлисда бизга шундай деган, Бахтжон деган — қозок, отаси — Добил, опаси — Танзила янган шаҳарга бориб, тутиб келди. Ниезининг шайтони нима деса, шуни айтиб келаркансан, Танзила янган кеча ранжиб кетди. Бахтжон билан чатоқлашма, уят булади.

— Узингиз, мусулмонга ухшайми, дегандингиз-ку?

— Қачон?!

— Кеча.

— Учир овозингни. Иккинчи эшитмайин. У — Добилнинг боласи, — онам темир қозов билан учоқнинг оғзига уриб-уриб қўйди. — У Добилнинг ўғли. Билдингми?

УЧИТИЛГА БОРДИМ

Эртаси кун атайлаб учитилнинг олдига бордим. У ҳаммасини билди. Учил — мактабга бутлур келган, урис тилидан дарс берадиган акамиз. Кундаликка Сердали Ахантаевич Ахантаев деб ёзамиз. Одамлар билан «учитил» дейишади. Шунинг учунми, бизлар ҳам шундай атаймиз. Аччиқланмайди. Клубга одамларни йигиб олиб доклад ўқийдиган ҳам ёлғиз узи. Гапирётганда бошқаларга ухшаб қозоғга қарамайди. Одамлар: «Эй, азамат-ей, қандай биланга-а», деб ҳанг-манг бўлишади. У мени уриндикқа утқазиб, шошмасдан тушунтириб беради.

— Немис деганининг ҳаммаси ҳам фашист эмас. У бошқа. Фашист дегани — бошқа бир халқнинг ерини, сувини тортиб олиб, узини қул қилишни истаган, уз манфаати учун узгалар мол-мулкни талон-тарож қиламиз, деб юрган ёвуз нягтли одамлар. Уларнинг бошлиғи Гитлер деган қонхур. Биз билан уруш қилаётган шу фашист. Немис халқи урушни хоҳламайди, улардан атоқли кишилар чиққан.

Учил: «Немис халқидан фалон-фалон шоир ва ёзувчилар чиққан, коммунистлар булган», деб бировларга айтган эди, исмлари қийин экан унутиб юбордим. Лекин немиснинг фашистдан бошқа эканига тушундим. Учил ёлгон айтмайди.

БАХТЖОН ҚОЗОҚЧА БИЛАРКАН

Бахтжон қозоқча биларкан. Эрталаб офтобшувокда мугуз соғли пичоғи билан ёғоч йўниб утирганини кўрдим-да, яқинроқ бориб уричалай бошладим.

— Бахтжон, ти казаский билалдийский?

У менга қараб бироз уйлаб турди-да: — билам... ман, — деди кулимсираб.

Ҳайрон қолдим. Ҳақиқий қозоқча, яна аччиқланмаганини айтмайсизми. Кечаги менинг мушг-лашганимга кек сақламабди-я. Секин яқинроқ бордим. Агар атайин алдаб утириб, кейин қувиб қолса, қочиб қолишга ҳам унгай. Мабодо, қўвса бориб Жумажонга айтаман. Хайрият қувмади. Енидан жой бушатиб, нарироқ су-

рилди.

— Тачанка ясапман.

— У нима?

— Чапаев минадиган енгил арава-ку.

— Қани?

— Озгина сабр қил, гилдирага ҳали тайёрмас.

Шунда эсимга печканинг ичига бутлур ташлаган эски машинам тушди-ю, уйга югурдим.

— Ҳозир опкеламан.

Машинам қийшайиб-мийшайиб қолган бўлса ҳам, гилдираклари бутун экан, Бахтжон қувониб кетди.

— Вой, отлично... Мен сенга юлдузча бераман. Оласанми? — У дарҳол чунтагидан мис туғнагичли юлдузча чиқариб берди.

Уртасида уроқ-болғаси бор кизил юлдузча. Ялт-юлт этказиб қулоқчининг пешанасига тақиб олсанг, болаларнинг ҳайрон қолиши турган гап. Қувончдан юрагим гуп-гуп уриб кетди. «Бахтжон дегани фашист эмас, немис экан-ку!»

Баҳор келди.

Бизнинг овулга ҳам баҳор келди. Тоғ этакларини қоплаб ётган қалин қор тарам-тарам бўлиб эриб битди-да, сою ариқларда шарқираб сув оқди. Қозондан қайиқ ясаб кимники узарга пойга уйнадик.

Итлар юмронқозик овлаб тоққа йўқолиб кетадиган бўлишди. Дикир-дикир қилаётган мурғаккина қузи-улоқлар купайишиб кирга ёйилишди.

Ниез бригадир кук отига қийшиқ минганича ҳар уйга кириб, одамларни ишга айтиб юрибди.

Болалар ҳам далага чиқишди. Катталар жуяк тортади, биз ҳар жуякка санаб, ун-ун бештадан уруғ ташлаймиз. Зерикканимиз йук. Ҳамма далада.

Кечқурун ҳукизга уч-туртта бўлиб минганганча уйга қайтамиз.

Онам мени тонготарда уйғотди.

— Тур, Эртош, турақол, — деб силкилади. Чучиб тушдим.

— Нима гап, опа?

— Бу нима ётиш? Халқнинг ҳаммаси туғон бошига кетди. Уят булади. Тезроқ кийин, була қол.

Кетмон, курагимизни олиб, станциянинг нариги томонига йул олдик.

Тумонат одам. Қолхоз, станциянинг каттаю кичиги, ҳатто болаларига ҳам тоғ этагидан қумурсқалай гимирлашиб тупроқ ташимокда. Туғоннинг нариги бетини куз илғамайди, катта денгиз пайдо бўпти. Илгарилари куришиб турадиган қалин қамишзор сув остида қолган, Туғон ҳам осмон бўйи кутарилган. «Бу тухтамайди, соат сайин баландлаётди», — деб секин гап-лашарди хавотирланган одамлар. Туғоннинг бу томони омон билан ҳайдалган кенг дала. Сув ошиб тушса булди, уни ҳам фарқ қилади. Замбилнинг бир томонини ушлаб, тупроқ ташанишга киришдим.

Бахтжонни эргаштирганича Танзила янган ҳам келди.

Давоми бор.



Ҳабибулло аканинг бугун бажарадиган ишлари куп. Режалаштирганларини қозоғга езиб қўйганлар. Уларни бир-бир куздан кечирар экан, кун кеча булган воқеа ёдига тушди...

1-синфлар таълим оладиган бўлимдан утиб бораётган эди. Бир синф хонаси олдида йиглаб турган болакайга кузи тушди.

— Нима булди? Нимага йиглаяпсан? Нечанчи синфда ўқийсан?

Мактаб ташкилотчисининг қаторлаштириб ташлаган саволларидан болакай эсанкираб қолди ва бир зум йиглашни ҳам унутди.

— Ҳисоб дарсидан «икки» олдим. Энди мени «Гунчалар»га қабул қилишмайди.

Ҳабибулло ака ҳамма нарсага тушунди. Янаги ҳафтада мактаб болалар ва усмирлар уюшмаси қошида кичкинтойлар учун ташкил этилган «Гунчалар» гуруҳига янги аъзолар қабул қилиниши керак эди. Шу сабаб бу гуруҳга қабул қилинадиган 1-синф ўқувчиларига синов ҳафтаси эълон қилинган эди. Бу ҳафтада улар ёмон баҳо олмас-

ликлари, хулқлари ҳам намунали бўлиши керак эди. Болакай шу ҳафта ичида «икки» баҳо олганига йиглаётган эди.

— Сен бугун уйга бориб вазифаларни яхшилаб

ни айтишди. Гуруҳга аъзо бўлаётган болакайлар унинг келажакда қилинадиган ишлар қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикларини ҳам билдирдилар. Байрам охирида эса мактаб

Болалар уюшмаси раиси Ҳилола Қоратоева 1-синф ўқувчиларининг «Гунчалар» гуруҳига қабул қилинганликларини ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттирди. 1-«Б» синф гуруҳига «Навруз» ва 1-«В» синф гуруҳига «Лочин» номи берилди. Уларга уз байроқчалари топширилди.

Байрам якунида Ҳабибулло ака суз олиб болакайларга

уз тилаklarини билдирдилар.

— Навруз ҳам, лочин сузи ҳам кучли маънога эга. Икковининг замирида ҳам сизларни билим олишга, юксакларга интилишга чақириқ маъноси бор. Сизлар доимо ушбу номга лойиқ бўлишга интилингиз.

Турсунбой ҲАМРОЕВ,
Андижон вилояти,
Булоқбоши туманидаги
25-мактаб етакчиси.

ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА!

ТУҒИЛГАН КУНИ
Бугун бурининг
Туғилган кунин.
Барча ҳайвонлар,
Табриклар уни.
Ана келяпти,
Улоқ, қузиқоч.
Бури қувончдан,
Тайёрлар пичоқ.
Яна келяпти
Кичик олмахон.
Эргашиб келар,
У билан қуён.
Бури-бури-да,
Шодланди чунон.
Шерни кургач қувончдан,
Қолмади нишон.



ЭРИШЧОҚ МОШИ
Осмонда куп чумчуқлар,
Сайрашиб, қанот қоқар.
Мош мушугим тамшаниб,
Буйини чузиб боқар.
Хаёлида «пир» этиб,
Учиб кетгиси келар.
Роса қорни туйгунча,
Қулаб етгиси келар.

Шоирлар — болаларга!

«Нима қилсам учаман»-
дея уйга толади.
Уйлаб-уйлаб охири,
Узи ухлаб қолади.

ҚАЧОН ЮРАДИ?

Дилором дадасидан,
Секингина суради:
— Сиз обертган қуғирчоқ,
Дада, қачон юради?

ҚУЗИ ОЧИЛДИ

Курсичқон «мен курман» деб,
Юрган экан узини.
Мушугимиз тутволиб,
Мошдек очди қузини.
Ориф ТҶУХТАШ,
Самарқанд вилояти.



ТҶЛИК ОБУНА БҶЛДИК

Синфимизда 26 нафар ўқувчи бор. Барчамиз севимли газетамиз «Тонг юлдузи»нинг доимий муштарийларимиз. Республикамиздаги тенгдошларимиз ҳаёти, ўқиш ва қизиқишларига оид мақола хабарларни зур иштиёқ билан ўқиб борамиз. Уларнинг ибратли ишларидан урناк олишга интиламиз.

Газетамизнинг 1996 йилдан ҳафтасига икки мартаба, яна рангли тасвирда нашр этилиши ҳақидаги хушхабарни ўқиб беҳад севиндик. Устозимиз Муаззамхон опа Нурматова бошчилигида ёлпасига «Тонг юлдузи»га обуна бўлдик.

Зоҳидаҳон
НҶМОҶОВА,
Наманган шаҳар, 40-
мактаб ўқувчиси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайридин ХОЛОВ
(масъул котиб)

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г 0505. 11.000 нусxada босилди. Қозоғ бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилими: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

